

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**



Ўзбекистон Республикаси  
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири  
Н. Хусанов

17 декабрь 2021 йил

**ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА ТОШКЕНТ ШАХРИ ЯШНОБОД  
ТУМАНИДАГИ КУНЛИК МЕҲНАТ МАРКАЗИ  
ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА  
КОНЦЕПЦИЯСИ**

**I. Лойиҳанинг тавсифи**

<b>Лойиҳанинг номи:</b>	Тошкент шаҳар Яшнобод туманида жойлашган Кунлик меҳнат маркази фаолиятини ташкил этиш
<b>Тармоқ номи:</b>	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги tizими
<b>Лойиҳа тури:</b>	Вақтинча ишсиз фуқароларни вақтинча ишлар билан таъминлаш
<b>Хусусий шерик томонидан бажариладиган иш ҳажми</b>	Бинони реконструкция қилиш, ётоқхона ва ошхона ташкил қилиш, автотранспорт воситалар ва мебел инвентарлар сотиб олиш, фойдаланиш, хизмат кўрсатиш ва қайтариш (DBFOMT)
<b>Давлат шеригининг номи:</b>	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
<b>Лойиҳа амалга ошириладиган жой (вилоят, туман, шаҳар):</b>	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани

**II. Даствлабки танлов натижалари**

9

ДХШ лойиҳасининг даствлабки танлови натижалари ҳақидаги батафсил маълумот ва тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “аҳоли бандлигини ошириш мақсадида аҳолининг реал пул даромадлари ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва даромадлар бўйича фаркланиш даражасини янада камайтириш, янги иш ўринларини яратиш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш” асосий вазифа сифатида белгиланган. 2020 йил 20 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан

имзоланган “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги 642-сонли қонун бу борада муҳим ўзгаришларни ўз ичига олган.

Бугун жаҳонда бандлик масаласи энг долзарб муаммо сифатида кун тартибига чиқди. Тадқиқотларга кўра, жорий йилнинг 2-чорагида мамлакатимизда меҳнат ресурслари сони 19,3 млн кишини, республикадан ташқарига ишга кетганлар сони 1,48 млн кишини ташкил этган. Ўзбекистонда ишга муҳтож бўлганларнинг умумий сони 1,47 млн кишидан ошган. 2021 йилнинг январь-июнь ойларида меҳнат ресурслари сони 19 млн 299 минг кишини ташкил этиб, 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 200 минг кишига ошган.

Иқтисодий тармоқларида банд бўлганлар сони 14 млн 985,2 минг кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг биринчи ярим йиллигига нисбатан 2,1 фоизга (304,5 минг кишига) ошган.

Январь-сентябрь ойларида расмий секторда банд аҳоли сони 5 млн 833,8 минг кишини ташкил қилиб, йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 4,5 фоизга ёки 252,6 минг кишига ошган.

Норасмий секторда банд бўлганлар сони 6 млн 197,9 минг кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 957,6 минг кишига камайган.

Республикадан ташқарига ишга кетганлар сони 1 млн 480 минг кишини ташкил этган, бу ўтган йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 560,3 минг кишига ёки 28 фоизга камайган. Бу асосан республикадан ташқарига ишлаш учун чиқадиган меҳнат мигрантларининг ички меҳнат бозорига қайтиб келиши ҳамда мавсумий ишлар қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг ортиши эвазига юзага келган.

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, ишга муҳтож бўлганларнинг умумий сони 1 млн 473,0 минг кишини ташкил этди. Ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳоли орасида 9,8 фоизни ташкил этганлигини кўрсатди. 16–30 ёшгача бўлганлар ўртасида ишсизлик даражаси 17,1 фоиз, аёллар ўртасида ишсизлик даражаси эса 14,7 фоиз бўлди.

Вақтинча ишсиз фуқароларни иш билан таъминлаш фаолиятини ташкил этиш бўйича хусусий ташаббускор “SOFLIFE ХУСУСИЙ БАНДЛИК АГЕНТЛИГИ” МЧЖ томонидан тайёрланган давлат хусусий шериклик лойиҳасининг ташаббуси тақдим этилган.

Лойиҳа аниқ ижтимоий вазифани (вақтинча ишсиз фуқароларни иш билан таъминлаш) муаммосини ҳал этишга қаратилган ҳамда қуйидагиларни назарда тутди:

1. Қисқа рақамли Тезкор алоқа хизматини (call марказни) ташкил этиш;
2. Тезкор алоқа хизмати орқали жисмоний ва юридик шахслардан фуқароларни вақтинча ишларга ёллаш бўйича буюртмалар олиш;
3. Бир кун давомида камида 25 нафар ишсиз фуқароларни айниқса хотин қизларни вақтинчалик ишларга жалб қилиш;
4. Ишчиларни иш жойига олиб бориш ва олиб келиш учун камида 2 дона транспорт воситасига эга бўлиш;
5. Вақтинча ишларда ишловчи фуқаролар учун камида 20 ўринли пулик хизмат кўрсатувчи ётоқхона куриш;
6. Вақтинчалик ишловчи фуқаролар учун камида 100 кишилик арзонлаштирилган нархларда хизмат кўрсатувчи ошхона ташкил этиш;
7. Фуқароларга меҳнат қуроллари, шахсий ҳимоя воситалари ва махсус кийимларни ижарага беришни йўлга қўйиш;
8. Онлайн хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш учун Марказ веб сайтини яратиш;
9. Кенг қамровли ахборот-тарғибот ва реклама хизматини йўлга қўйиш учун интернет

тармоғидаги барча ижтимоий тармоқларда (Facebook, Telegram, Instagram ва х.к.) ўз манзилига эга бўлиши.

### III. ДХШ лойиҳасининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари

<b>Қўшимча маълумотлар</b>	
1.	<p>Лойиҳанинг <u>ЛБХ</u>/ТИА/ТИХҚ мавжудлиги:            Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.</p> <p><i>Лойиҳа бўйича ҳужжатлар шлова қилинади</i></p>
2.	<p>Лойиҳа қуйидагилардан бирига киритилган бўлса:            Инвестиция дастури <input type="checkbox"/>            Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони ёки қарори/ Вазирлар Маҳкамаси қарори <input type="checkbox"/>            Бошқа <input type="checkbox"/></p> <p>Батафсил маълумотлар ҳамда тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг:            Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “аҳоли бандлигини ошириш мақсадида аҳолининг реал пул даромадлари ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва даромадлар бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш, янги иш ўринларини яратиш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш” асосий вазифа сифатида белгиланган.</p>
3.	<p>Хусусий шерик лойиҳани амалга ошириш ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ олишга рухсат берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш учун зарурати борми?            Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/></p>
4.	<p>Хусусий шерикнинг лойиҳа доирасида тақдим этадиган якуний хизматларини тасвирлаб беринг:            Вақтинча ишсиз фуқароларни иш билан таъминлашга кўмаклашади, иш қидириб топишда қулайликлар яратилади, уларнинг ижтимоий ҳимояланганлигини таъминлайди.</p>

5.	а) Капитал қўйилмалар ва бошқа харажатлар суммаси: 778,0 млн. сўм	б) Эксплуатация харажатлари миқдори: 30,0 млн. сўм	в) Умумий харажатлар: 808,0 млн. Сўм			
	г) ДХШнинг амал қилиш муддати: Аниқ маълумот бўлмаса, оралик муддатни белгиланг: 10 йил 3-10 <input checked="" type="checkbox"/> 11-20 <input type="checkbox"/> 21-30 <input type="checkbox"/> >30 <input type="checkbox"/>	д) Лойиҳанинг амалга ошириш муддати: 1 йил. Аниқ маълумот бўлмаса, оралик муддатни белгиланг: <10 <input checked="" type="checkbox"/> 10-30 <input type="checkbox"/> >30 <input type="checkbox"/>				
6.	а). Лойиҳанинг даромад манбасини кўрсатинг: Фойдаланганлик учун тўлов <input checked="" type="checkbox"/> Эркин фойдаланилиши учун тўлов <input type="checkbox"/>					
	б). Фойдаланганлик учун тўлов (АҚШ доллари): 1 киши учун иш берувчилар томонидан туланган уртача 110 минг сўм маблағнинг 10 фоизи Марказ даромалари асосан коммунал тўловлар, иш ҳақи харажатлари, транспорт харажатлари ва бошқа операцион харажатларни қоплаш чун сарфланади. Давлат мулкидан фойдаланганлик учун тўлов <input type="checkbox"/> Қўшимча фойда тақсимооти <input type="checkbox"/>					
7.	ДХШ лойиҳасининг ташаббускорини белгиланг: Давлат ташаббускори <input type="checkbox"/> Хусусий ташаббускор <input checked="" type="checkbox"/>					
8.	Хусусий ва давлат шериги ўртасидаги хатарларни тақсимлашда, таклиф қилинган ўзгаришларни белгиланг.					
	<b>Хавф ёки хатарлар турлари</b>	Давлат шериги	Умумий	Хусусий шерик	Хатар тақсимооти асоси	Изох
	Лойиҳага тегишли хавф хатарлар			•		
	Дизайн ва технологияларнинг эскириш хавфи			•		
	Яширин нуқсон хавфи			•		
	Ер сотиб олиш ва кўчириш билан боғлиқ хатарлар	•				

Молиявий хатарлар			•		
Қурилиш билан боғлиқ хатар (аниқ бўлмаган)	•				
Қурилиш билан боғлиқ хатар (аниқ бўлган)			•		
Ишга тушириш билан боғлиқ хатарлар		•			
Лойиха шартномаси тузулганидан кейинги лойихага киритиладиган ўзгаришлар (давлат шериги тарафидан)	•				
Лойиханинг суғуртасига оид хатарлар			•		
Солиқ билан боғлиқ хатарлар			•		
Тарифларнинг ўзгаришиг боғлиқ хатарлар			•		
Лойиха шартномаси тузулганидан кейинги лойихага киритиладиган ўзгаришлар (хусусий шерик тарафидан)			•		
Қонунчиликдаги ўзгаришларнинг лойихага салбий таъсири хатарлари		•			
Лицензия, рухсатномалар кечикиши ёки берилмаслиги хатарлари			•		
Хусусий шерикка келишилган тўловларнинг кечиктирилиши			•		

Сиёсий беқарорлик хатарлари		•			
Таъмир ва реконструкцияга оид хатарлар			•		
Мулк конфискацияси	•				
Операцион хатарлар			•		
Экологик/ ижтимоий хатар (эксплуатация билан боғлиқ)			•		
Оператив фаолият билан боғлиқ бўлган хатарлар			•		
Талаб билан боғлиқ хатарлар		•			
Бошқа					

9.	Ҳар бир босқич учун тахминий/ режалаштирилган санани кўрсатинг:				
		Сана			Сана
	а) ДХШ лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш	2021 йил IV -чорак	д)	Музокаралар ва ДХШ тўғрисидаги битимни имзолаш	Х
	б) Лойиҳаолди ҳужжатларни ишлаб чиқиш (масалан: тендер ҳужжатлари)	2021 йил IV-чорак	е)	Махсус лойиҳа компаниясини (SPV) ташкил этиш.	Х
	в) Дастлабки малакани аниқлаш (агар қўллаш мумкин бўлса, малакани аниқлаш талабномаси асосида – Request for Qualification, RFQ)	Х	ё)	Молиявий яқунлаш	Битим кучга кирганидан сўнг
г) Ғолибни саралаш (Таклифларни топшириш талабномаси – Request for Proposals, RFP)	Х				

10	<p>Жорий ҳолатда аҳолидан ва/ёки давлат бюджетидан мазкур хизматга ажратиладиган ялпи маблағ: Жорий ҳолатда давлат бюджетидан маблағлар ажратилмайди.</p>
11.	<p>Ушбу лойиҳа давлат тарафидан амалга оширилганида бюджетдан ажратилиши кутилган тахминий маблағ (бунга капитал харажатлари ва бошқарув харажатлари киради) Агар мазкур лойиҳа давлат бюджетидан амалга оширилганда тахминан 808,0 млн. сўм бюджет маблағлари ажратиларди.</p>
12.	<p>Агар ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида етказиб бериладиган товарлар (кўрсатиладиган ишлар/хизматлар) нархи давлат бюджетида белгиланган харажатлар сметасидан ошиб кетса, лойиҳани ДХШ механизми асосида амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаб беринг: Мазкур лойиҳа доирасида давлат бюджетидан маблағ ажратилиши кўзда тутилмаган.</p>
13.	<p>Ташаббус кўрсатилган лойиҳа иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни/муаммоларни ҳал этишга қаратилганми?  Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: Иқтисодий самара: хар куни 100 га яқин киши кунлик иш ва даромад манбаи билан таъминланади. Ижтимоий самара: вақтинча, мавсумий ва бир марталик ишларга ёлланадиган ишчилар меҳнати муҳофаза қилинади, нормал шарт-шароитлар (ётоқхона, кутиш зали, душ), меҳнат муҳофазаси воситалари (каска, кўлқоп, маска, махсус кийим) ҳамда эрталабки медицина кўриги билан таъминланади.</p>
14.	<p>Ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида илгор бошқарув тажрибасини жорий этиш назарда тутилганми?: Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: Лойиҳа доирасида Марказда ёлланма ишчиларнинг базасини яратиш мақсадида рақамли дастур ишлаб чиқиши кўзда тутилган. Мазкур базада ёлланма ишчи исми шарифи, туғилган йили, яшаш манзили, касби, меҳнат стажи каби маълумотлар жамланади. Ёлланма ишчининг Марказ орқали иш билан банд бўлган муддатида унинг топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишидан келиб чиқиб унинг рейтинги тузилади ва бу маълумотлардан келгусида фойдаланилади. Ушбу дастур орқали иш берувчи жисмоний ва юридик шахслардан фуқароларни вақтинча ишларга ёллаш бўйича буюртмалар қабул қилиш имконияти яратилади.</p>


15.	<p>Ташаббус кўрсатилган лойиҳа инновацион ёндашувни ўз ичига олганми ва тарафлар учун мақбул бўлган мутаносиб нафни таъминлаб бера оладими?          Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг:</p> <p>Лойиҳа доирасида Марказда ёлланма ишчиларнинг базасини яратиш мақсадида рақамли дастур ишлаб чиқилиши кўзда тутилган. Мазкур дастур орқали ёлланма ишчилар базаси яратилиши билан бир каторда, дастур орқали ишчиларни ёллаш бўйича буюртма қабул қилиш имконияти яратилади.</p> <p>Ёлланма ишчиларга эҳтиёж сезган Буюртмачилар ёлланма ишчини ёллашдан олдин унинг рейтинги, касби, ёши ва жинси билан танишиш имкониятига эга бўлади.</p> <p>Марказга кўп миқдорда ёлланма ишчини ёллаш бўйича буюртма тушган тақдирда, Марказ ходимлари дастурдаги маълумотлардан фойдаланиб (телефон рақами орқали) ёлланма ишчилар билан боғланиб, уларни марказга таклиф қилиш имкониятига эга бўлишади (ёлланма ишчи бошқа манзилда бўлган тақдирда). Ишга ёллаш шартлари ёлланма ишчиларга маъқул бўлган тақдирда улар Марказ орқали мазкур ишга ёлланиш имкониятига эга бўлишади.</p>
16.	<p>Ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида автоматлаштирилган электрон ҳисоб-китоблар ва ҳисоботларни жорий этиш назарда тутилганми?          Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг:</p> <p>Марказда вақтинча ишсиз фуқаролар рўйхатдан ўтказилиб, уларнинг касби (ғишт терувчи, сувоқчи, пайвандчи, том ёпувчи ва х.к.) тўғрисида маълумотлар автоматик базаси яратилиб, ёлланма ишчилар хизматига эҳтиёжи бўлган қурилиш ташкилотлари, чорва ва паррандачилик фермалари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ва аҳоли ўртасида кенг тарғиб (реклама) қилинади. Ёлланма ишчиларнинг касб маҳорати ва иш тажрибасидан келиб чиқиб, гуруҳларга бўлинади (1-тоифа, олий тоифа ва х.к.). Юқори тоифали ёлланма ишчиларнинг 1 кунлик иш ҳақи оддий ёлланма ишчиларнинг иш ҳақидан 20-30 фоиз юқори баҳоланади.</p>
17.	<p>Лойиҳани амалга ошириш учун ер участкасига зарурат борми?          Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, керакли ер участкаси майдонини кўрсатинг:</p> <p>Тошкент шаҳри Яшнобод тумани Фарғона йуғи кўчаси 106 уйда жойлашган умумий майдони 1777,0 кв. м бўлган бино.</p>
18.	<p>Лойиҳани амалга ошириш оқибатида ижтимоий муаммолар келиб чиқиш эҳтимоли мавжудми?          а) Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, изоҳланг:</p> <p>Асослантириш учун тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.</p> <hr/> <p>Лойиҳани амалга ошириш оқибатида экологик муаммолар вужудга келиш эҳтимоли мавжудми?          б) Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, изоҳланг.</p> <p>Асослантириш учун тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.</p>



19.	<p>Давлат шериги томонидан (ДХШ лойиҳаси доирасидан ташқарида) амалга оширилиши зарур бўлган қўшимча иш ҳажмларини кўрсатинг:</p> <p>Сув таъминоти объектларини қуриш <input type="checkbox"/></p> <p>Газ таъминоти объектларини қуриш <input type="checkbox"/></p> <p>Электр таъминоти қурилмаларига уланиш <input type="checkbox"/></p> <p>Кириш йўллари <input type="checkbox"/></p> <p>Транспорт боғланиши <input type="checkbox"/></p> <p>Бошқа <input checked="" type="checkbox"/></p> <p>Мазкур лойиҳа бўйича инфратузилмаларни яратиш ишлари, хусусан, сув таъминоти, газ таъминоти объектларини қуриш, электр таъминоти қурилмаларига уланиш, кириш йўлларини қуриш ва транспорт боғланишини таъминлаш хусусий шерик томонидан амалга оширилади.</p>										
20.	<p>Манфаатдор томонларни санаб ўтинг:</p> <p>Давлат шериги</p> <p>Хусусий шерик.</p>										
21.	<p>Давлат шериги томонидан лойиҳани амалга ошириш учун масъул этиб тайинланган шахс ҳақида маълумотларни тақдим этинг. Агарда имкони бўлса, лойиҳани амалга ошириш гуруҳи ҳамда ДХШ лойиҳаси менеджери, гуруҳ аъзоларининг лавозими ва мажбуриятлари ҳақидаги маълумотларни ҳам тақдим этинг.</p> <table border="1" data-bbox="233 977 1501 1462"> <tr> <td data-bbox="233 977 555 1072"><b>Маъсул этиб тайинланган шахс</b></td> <td data-bbox="555 977 1501 1072">Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ходими</td> </tr> <tr> <td data-bbox="233 1072 555 1152">Ф.И.О.:</td> <td data-bbox="555 1072 1501 1152">Махмудов Темур Асомиддинович</td> </tr> <tr> <td data-bbox="233 1152 555 1295">Лавозими:</td> <td data-bbox="555 1152 1501 1295">Банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш бўйича ишларни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи</td> </tr> <tr> <td data-bbox="233 1295 555 1374">Тел.:</td> <td data-bbox="555 1295 1501 1374">71-239-41-21 (216)</td> </tr> <tr> <td data-bbox="233 1374 555 1462">Электрон почта манзили:</td> <td data-bbox="555 1374 1501 1462">t.maxmudov@mehnat.uz</td> </tr> </table>	<b>Маъсул этиб тайинланган шахс</b>	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ходими	Ф.И.О.:	Махмудов Темур Асомиддинович	Лавозими:	Банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш бўйича ишларни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи	Тел.:	71-239-41-21 (216)	Электрон почта манзили:	t.maxmudov@mehnat.uz
<b>Маъсул этиб тайинланган шахс</b>	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ходими										
Ф.И.О.:	Махмудов Темур Асомиддинович										
Лавозими:	Банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш бўйича ишларни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи										
Тел.:	71-239-41-21 (216)										
Электрон почта манзили:	t.maxmudov@mehnat.uz										

“Киритилди”

“SOFLIFE ХУСУСИЙ БАНДЛИК АГЕНТЛИГИ” МЧЖ директори



Олимов Шахзот Азаматович

